


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**60412500 – Маркетинг (темир йўл транспорти) бакалавриат таълим
йўналишининг малака талаблари**

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60412500 – <i>Маркетинг (темир йўл транспорти)</i> бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 60412500 – <i>Маркетинг (темир йўл транспорти)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60412500 – <i>Маркетинг (темир йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 60412500 – <i>Маркетинг (темир йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60412500 – <i>Маркетинг (темир йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 60412500 – <i>Маркетинг (темир йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60412500 – <i>Маркетинг (темир йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60412500 – <i>Маркетинг (темир йўл транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	9
Келишув варағи	10

1. 60412500 – Маркетинг (темир йўл транспорти) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

60412500 – Маркетинг (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Таълим шакли бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60412500 – Маркетинг (темир йўл транспорти) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60412500 - *Маркетинг (темир йўл транспорти)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60412500 – Маркетинг (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60412500 – Маркетинг (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60412500 – Маркетинг (темир йўл транспорти) бакалавриат таълим йўналиши “Бизнес ва бошқарув” соҳасидаги йўналиш бўлиб, иқтисодиёт, шу жумладан темир йўл транспорти тармоғи иқтисодиётидаги хўжалик субъектлари маркетинг фаолиятини юритиш; корхоналарни ривожлантиришда маркетинг тамойилларини тадбиқ этиш; темир йўл транспорти корхоналари тизимида маркетинг концепцияларни тадбиқ этиш; темир йўл транспортида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлувчи маркетинг ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш жараёнларини ҳужжатлаштириш, тартибга солиш ва шакллантириш; темир йўл транспорти корхоналарида ташиш жараёнида маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш ва юритиш; темир йўл транспорти саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ривожлантириш стратегияларни ишлаб чиқиш; темир йўл транспорти ва унинг корхоналарида янги товар (хизмат) ишлаб чиқариш

бўйича таклифлар тайёрлаш; темир йўл транспорти унинг корхоналарида маркетинг фаолияти самарадорлигини аниқлаш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолияти соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар мумкин.

1.2.2. 60412500 – Маркетинг (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– темир йўл транспорти ва унинг корхоналарида маркетинг бўлимлари; темир йўл транспорти тармоғида хўжалик субъектлари, умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасалари; давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, темир йўл бошқармаси ва хўжалик юритувчи субъектлари ҳисобланади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

60310100 – маркетинг (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60412500 – Маркетинг (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- илмий тадқиқот;
- ахборот-таҳлилий;
- тадбиркорлик.

1.2.4. 60412500 – Маркетинг (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60412500 - Маркетинг (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув фаолиятда:

– давлат ва хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ҳамда улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

– бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– темир йўл транспорти ва унинг корхоналарида замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш мониторинги ва сифатни баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– маркетинг тадқиқотларининг ечимларини амалиётга тадбиқ этиш;

– темир йўл транспорти ва унинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида маркетинг йўналишларини белгилаш;

– иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрасатиш фаолиятида:

- темир йўл транспорти ва унинг корхоналарида маркетинг фаолияти бўйича ишларни режалаштириш ва амалга ошириш;
- иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;
- маркетинг фаолиятини амалга ошириш учун зарурий ресурсларни режалаштириш;
- молиявий-иқтисодий жараёнларнинг тавсифи асосида назарий ва эконометрик моделларини яратиш, улардан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаш;
- темир йўл транспорти ва унинг корхоналарида маркетинг тамойилларини қўллаш;
- темир йўл транспорти ва унинг корхоналарида маркетинг хизматларини ташкил қилиш ва уни такомиллаштириш;
- корхона фаолиятидаги асосий кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси ва тенденцияларини таҳлил қилиш;
- маркетинг фаолияти бўйича халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш;
- лойиҳалар ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- тақдим этилган лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш, уларнинг молиявий-иқтисодий натижаларини таҳлил қилиш;
- илмий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти муаммоларини чуқур таҳлил қилиш, масалаларни қўйиш ва асослаш;
- темир йўл транспорти маркетинг тадқиқотларни ўтказиш, ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;
- корхоналарни ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш услубиётига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- темир йўл транспорти иқтисодиёти ва маркетингга оид маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;
- иқтисодий ва маркетинг учун керакли маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

– темир йўл транспорти корхоналарининг мулкчилик шаклидан қатъий назар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талабларини таҳлили асосида ташкил этиш;

– темир йўл транспорти корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичилари ўзгариш динамикасини таҳлил қилиш;

– темир йўл транспорти корхоналарининг молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;

– таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;

- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. 60412500 – Маркетинг (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- темир йўл транспорти тизими соҳасидаги маркетинг касбий билимлари ва хусусиятларини амалда қўллаш;

- темир йўл транспорти тизими соҳасидаги маркетинг фаолияти билан шуғулланиш ва унинг соҳавий хусусиятларини қўллаш;

- темир йўл транспорти тизими соҳасидаги маркетинг фаолиятини юритиш;

- маркетинг режаларини тузиш;

- темир йўл транспорти корхоналари хусусиятидан келиб чиқиб маркетинг тадқиқотларни ўтказиш;

- темир йўл транспорти корхоналари соҳавий хусусият асосида таҳлил қилиш;

- темир йўл транспорти корхоналарида маркетинг воситаларни қўллай билиши;

- темир йўл транспорти корхоналари маркетинг фаолиятини баҳолаш;

- транспорти бозори ҳолатини баҳолаш;

- темир йўл транспорти корхоналари маркетинг бошқарув ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилиш;

- маркетинг тадқиқотлари ҳисоботларини тузиш, уларни таҳлил қилиш;

- корхоналарда маркетинг фаолиятини консалтинг хизматларини кўрсатиш ва

маслаҳатлар бериш;

- корхоналарни зарурий услубий материаллар билан таъминлаш;
- темир йўл транспорти асосий фаолияти бўйича ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари бўлинмаларининг иқтисодий ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, ноанъанавий ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;
- маркетинг фаолияти бўйича умумий ва соҳавий меъёрий-қонуний ҳужжатларни билиш;
- касбий фаолиятда темир йўл транспорти корхоналарида автоматлаштирилган амалий дастурларини ишлатиш ва уларнинг замонавий усуллари қўллаш қобилиятига эга бўлиши;
- иқтисодий ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий ҳулосалар чиқариши;
- статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиши;
- ресурслар чекланганлиги ва иқтисодиётнинг бош муаммоси, бозор иқтисодиёти тамойиллари;
- асосий макроиқтисодий моделлар ва уларда иқтисодий жараёнлар механизмининг моҳияти, очиқ иқтисодиётда макроиқтисодий сиёсатни амалга ошириш хусусиятлари;
- маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолашни билиши;
- режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, қимматли қоғозлар бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаши;
- маркетинг сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш;
- ташкилотларида маркетинг фаолиятини ташкил қилиш;
- маркетинг моҳияти, унинг мақсади ва тамойилларини, корхона маркетинг фаолиятини тартибга солиш институтлари, корхоналар маркетинг фаолияти зарурлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим.
- намунавий услубиятлар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, транспорт, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, темир йўл транспорти фаолият объекти, темир йўл транспорти касбий фаолият доирасида маркетинг, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, маркетинг предмети, темир йўл транспортида маркетингнинг объектлари, темир йўл транспортида ташиш жараёнлари калькуляцияси, хўжалик жараёнлари, таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш жараёнлари, хужжатлаштириш, эҳтиёж, талаб, таклиф, маркетинг-микс, товар, сотиш, силжитиш, пассив талабда ҳаракатланиш, истеъмолчилар ва уларнинг хулқ-атвори, маркетинг тадқиқотлари, юк ва йўловчи ташишда логистика, маркетинг коммуникация, темир йўл транспортида ҳисоб ва унинг хусусиятлари, темир йўл транспортида келтирилган маҳсулот, юк ташувчи вагоннинг статик ва динамик юкламаси, ҳаракатдаги таркиблар, темир йўл транспорти корхоналарида самарадорлик.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



20__ йил «__» _____

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосари  А.Муминов

Директор в.б.  М.Эсонов

202__ йил «__» _____
М.Ў.

202__ йил «__» _____
М.Ў.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Персонални бошқариш ва кадрларни
тайёрлаш бошқармаси

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети

Бошқарма
бошлиғи  А. Хамролиев

Ректор  К.Шарипов

202__ йил «__» _____
М.Ў.

202__ йил «__» _____
М.Ў.